

## Баҳрайн омили қиссаси



13:25 / 16 октябрь 813

Имом Ибн Жарийр Тобарий Язийд ибн Мансурдан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга унинг Баҳрайндаги омили Ибн Жоруднинг (ёки Ибн Абу Жоруднинг) олдига Адриёс исмли бир одам келтирилгани, унинг мусулмонларнинг душмани билан мактуб ёзишгани ҳамда уларга қўшилишни қасд қилганлиги аниқлангани, шунинг учун унинг бўйнига (қилич) урилгани, у эса: «Эй Умарим! Эй Умарим!» деб тургани ҳақида хабар етди.

Умар розияллоҳу анҳу ўша омилига мактуб юбориб, етиб келишини буюрди. Омил келди. Умар уни қўлида найза билан кутиб ўтирад эди. У Умарнинг олдига кирди. Умар найза билан унинг соқолини юқорига кўтариб:

«Адриёс, лаббайка! Адриёс, лаббайка!» дея бошлади.

«Эй мўминларнинг амири, ахир у мусулмонларнинг сирини очиб, мактуб ёзди, уларга қўшилиб кетишга қасд қилди!» деди Ибн Жоруд.

«Қасди учун қатл қилдингми?! Биздан ким ҳам қасд қилмайди!? Агар одат бўлиб қолиш хавфи бўлмаганида, унинг учун сени қатл қилас эдим», деди Умар».

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хulosasi асосида чоп этилган.